

ХОРАЗМ АРАБИЙЗАБОН МУҲИТИ МАНБАЛАРИДА ИЛК ИСЛОМ БАДИИЙ АДАБИЁТИ ТАЪСИРИ

Азамат Атаев,

ТошДЎТАУ ўқитувчиси,

Матншунослик ва адабий манбашунослик кафедраси таянч докторанти

azamatatayev79@gmail.com

Аннотатсия: Мазкур мақолада Хоразм арабийзабон муҳити манбаларида илк ислом бадиий адабиёти таъсири мухтасар баён қилинган бўлиб, у VIII – XIII асрлар Хоразм арабийзабон адабий муҳитини тушуниш ва изоҳлашда янги илмий маълумотлар тақдим этади.

Калит сўзлар: арабийзабон, адабиётшунос, мадх, ҳажв, қасида, балогат, фасоҳат, манбашунослик, матншунослик.

Хоразм арабийзабон муҳити манбаларида илк ислом бадиий адабиёти таъсирини асосан икки нуқтада кўриш мумкин:

1. Мазмуний томони. Бунда асосан мавзу кўламидаги муштараклик ва таъсир намоён бўлади.

2. Шаклий томони. Бунда илк ислом даври бадиий адабиётининг қатор жанрлари Хоразмдаги арабийзабон бадиий адабиётида ҳам мавжудлиги назарда тутилади. Илк ислом даври бадиий адабиёти таъсири Хоразм арабийзабон бадиий адабиётида намоён бўлиши мутлақ табиий ҳодисадир. Моҳиятан Хоразм арабийзабон муҳити айни илк ислом бадиий адабиётининг Хоразм воҳасида ва шу ерлик ихлосмандлар иштирокида зухур этишидир.

Эътиборли жиҳати, воҳага ташриф буюрган ижодкорлар унинг туб аҳли қаторида Хоразм маданияти равнақи йўлида хизмат қилдилар. Буни Рашидиддин Ватвот Ҳазорасп қамалида туриб ҳам ўз қалами билан Хоразм

шаънини ҳимоя қилгани ҳақидаги машҳур воқеа мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Рашидиддин Хоразм иқлимига ташриф буюрган шоирларнинг энг иқтидорлиларидан эди, десак муболаға бўлмайди. У форс тилидаги шеърлар девонини ёзиб қолдирган. Ушбу девон Э.Браун маълумотига кўра, 1015 та байтдан иборат бўлган. Бундан ташқари, у кўплаб турли хил шеърлар ёзиб қолдирган. Аксар шеърляти араб тилида бўлган. Бу шеърларининг баъзиларини унинг “Ҳадайиқ ус-сеҳр фи дақоик уш-шиър”, яъни “Шеърнинг дақиқ жиҳатларидаги сеҳр боғи” деб номланган китобидан топамиз. Яна баъзи шеърларини араб тилида ёзган рисолаларида ҳам топишимиз мумкин. Унинг шеърлий девонида араб шеърлятида машҳур бўлган кўплаб талаблар қамраб олинган. Хоссатан, аксар шеърларида у Султон Алоуддин Отсизни мадҳ қилган.

Хоразм арабийзабон муҳити манбаларида илк ислом бадий адабиёти таъсири ўлароқ Рашидиддин Ватвот шеърларида мадҳияларни кўп учратиши ажабланарли эмас. Сабаби, у хоразмшоҳларнинг саройида хизматда бўлган ва Абу Музаффар Хоразмшоҳнинг хос вазири ҳам бўлган. Бундан ташқари, сафарда ҳам, муқим бўлган вақтида ҳам доим шоҳларга яқин бўлиб, уларнинг хизматида турган. Бу ҳолат унинг ижодида акс этмасдан қолмасди. Хусусан, адабий ва илмий фаолиятида, асосан, ҳукмдорлар берган инъомлари учун уларни мақташ ва уларга атаб шеърлар ёзишга мажбур бўлган. Яна қўшимча қилиб айтиш мумкинки, у Хоразмшоҳ Отсизни ҳақиқатдан ҳам жуда яхши кўрган. Унинг ғамхўр ва содиқ дўсти бўлиб, шеърларида ҳамиша берган инъомларини ва унинг фазилятли шахс эканлигини мақташни унутмаган. Лекин шоирнинг барча шеърлари фақат мақтовдан иборат бўлмаган. Унинг бошқа мақсадда битилган қасидалари ҳам бўлган. Хусусан, кийик ҳақидаги қасидаси ёки кучли ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат ва соғинч билан битилган байтлари ҳам мавжуд. Жумладан, қалам тилидан шоир шундай дейди:

ناطق ساكت أصمّ سمیع

قلق ساكن وقوف ماض

ناحل الجسم نابه الاسم موقى الوسط

من في كل عاند ذي اعتراض

Нотиқ жим, эшитувчи кар,

Тик турган ташвиш ичида.

Танаси нозик ва исми ишончли.

Шоир наздида қаламнинг тавсифи жим гапирадиган нотиқ, кар эшитувчи ва овозсиз жим турувчидир. Эътибор қаратсак, қарама-қарши фазилатлар маънолардаги қарама-қаршилиқка қарамай мукамал бир тасвир вужудга келтирган. Аслида қаламнинг энг гўзал васфи “Қуръон” сураларидан бирига ном бўлгани, унинг номи билан Аллоҳ қасам ичганидир. Шунинг учун салаф ижодкор меросида қалам васфи алоҳида бир мавзунини ташкил қилади. Назаримизда, туркий шеърятда Алишер Навоийнинг

Қаламким раҳнаварди тезтакдур,

*Азалдин манзили фавқул-фалакдур*¹⁹ –

байтлари қалам ҳақидаги энг бетакрор ва инсон тафаккури англаган даражада мукамал таърифидир.

Хоразм арабийзабон муҳитида илк ислом бадиий адабиёти мавзу кўламига мувофиқ равишда шикоятномалар ҳам яратилган. Бу йўналишнинг мақсади шоирлар ўз муаммоларини, жумладан, улар билан боғлиқ қийинчилик, қарилик ёки амалга ошмаган умидлар ҳолатини ифодалаганлар. Бунга Маҳмуд Замахшарий шеърятини кўплаб мисоллар бор. Мутасаддиларнинг бепарволиги натижасида юзага келган қашшоқлик муаммосига кўшимча равишда шоирлар ҳолис баҳо бера олмаган, аммо бу муаммони ҳам Маҳмуд Замахшарий шеърятини соф шаклда акс эттирган.

Юқорида қайд этилгандек, Хоразмда арабийзабон адабиёт шаклий жиҳати, хусусан, илк ислом адабиётидан фарқ қилмаслиги табиий эди. Масалан, ғазал Хоразм арабийзабон муҳитидаги шеър йўналишларидан бири бўлиб, шоирлар уни жоҳилият қасидаларига тақлид қилиб қасидаларнинг муқаддимасида келтирганлар. Шоир Абу Бакр Хоразмий ўз маҳбубасининг хуснини

¹⁹ Алишер Навоий. Мукаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 23.

тасвирлаганда ва кун сайин гўзаллиги ошганини ифодалашда ўз маҳоратини кўрсатган. Ваҳоланки, кунлар ўтган сайин сурат ўзгариб, гўзаллик сўлиб боради²⁰:

و شمس ما بدت إلا أننا بان الشمس مطلعها فضول
تزيدُ علي السنين ضياً و حسنا كما رقت على العتق الشمول

Қуёшим (маҳбубам) чиқди-ю,

Қуёшининг ортиқча эканлигин намоён қилди,

Йил сайин нур ва ҳуснда зиёда бўлар,

Худди хамр эскирса маза киргандек.

Абу Бакр Хоразмий маҳбубасининг гўзаллигини тасвирлашда муболаға қилиб юборган. Ўз “қуёш”ининг ҳусни олдида қуёшнинг ҳусни ортиқча деб ўйлайди. Худди хамр (шароб, маст қилувчи ичимлик) вақти ўтган сайин таъми лаззатли бўлиб борганидек маҳбубаси ҳам гўзаллик ва ҳуснда зиёдалашишини ҳамда унинг ёшлигига путур етмаслигини айтади.

Бу йўналишда Бофий²¹нинг бир неча шеърлари “Ятимату-д-дахр”да келтирилган²²:

يا عين منك شكائتي و بلائي

أنت التي أسلمتني لشقائي

Эй кўз, мусибат ва шикоятим сендандир,

Бебахтликка мени сен таслим этдинг.

Бофийнинг ғазалдаги услуби ягона услуб, унда аксар ҳолларда шоирнинг ички дунёси намоён бўлади. Шунингдек, унда биринчи бўлиб қўллаган воситалар орқали ўз ҳиссиётларини очиб беради. Масалан, хитоба услубини қўллаб гўзалликни кўрадиган ва ундан баҳра оладиган аъзо сифатида кўзга хитоб қилиш орқали руҳий дунёсини зоҳир қилади.

²⁰ يتيمة الدهر 4 : 209

²¹ Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Бофий асли бухоролик бўлиб, “ал-Бофий” номи билан танилганлар. Бағдодда яшаганлар. Шофеъий мазҳабининг фақиҳларидан. Наҳв ва сарф илми билимдони, араб тили ва адабиётни яхши билардилар. Ҳижрий 398 (милодий 1008) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

²² يتيمة الدهر 3 : 122 (طبعة حجازي)

Ас-Саолбий томонидан келтирилган айрим ёднома шеърлар мазмуни Матназар Абдулҳаким томонидан ижодий қайта ишланиб, “Кўчки” достонида берилган. Масалан,

*“Қандай қилиб тилингиз борди
Синди дея айтишига созни.
Уялмайсиз, ўлди дейсизлар
Азиз дўстим Абул Аббосни.
Ўлди дейиш шарт бўлса агар,
Сўзингиздан хўб, қайтмангизлар.
Фақат... мени айтинг ўлди деб,
Абул Аббос деб айтмангизлар”²³.*

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Хоразмда арабийзабон адабиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бу ҳудуд аҳолиси исломни ихлос билиан қабул қилиб, дин тили сифатида араб тилини ўргана бошлашидан ибтидо олиб, воҳа аҳлининг илм-маърифатга алоҳида иқтидори ҳамда ҳукмдор доиралар рағбати билан юқори босқичга чиқди.

Ислом фатҳидан уч асрча вақт ўтгач, Хоразм минтақаси кўплаб арабийзабон шоирларнинг етишиб чиқиши унинг тасодиф эмас, тадрижий такомил ҳосиласи эканини кўрсатади.

Хоразмда арабийзабон адабиёт шаклий жиҳати, хусусан, илк ислом адабиётидан фарқ қилмаслиги табиий эди. Масалан, ғазал Хоразм арабийзабон муҳитидаги шеър йўналишларидан бири бўлиб, шоирлар уни жоҳилият қасидаларига тақлид қилиб қасидаларнинг муқаддимасида келтирганлар.

²³ Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. Биринчи жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 116.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 23.
2. Абу Мансур Абдулмалик ас-Саолибий. Ятимматуд даҳр фий маҳасини аҳлил ʼаср. Дорул кутубул илмийя. 2009.
3. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар. Биринчи жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 116.
4. Ҳинд Ҳусайн Тоҳа. Ал-адаб-ул-арабӣ фӣ иқлим Хоразм. Силсилат-ул-кутуби-л-ҳадиса. – Бағдод: Маншурот Визорати-л-иёлом, 1976.
5. Элмуродов И., Эшмуродов М. X–XII асрлар Хоразм маданияти Ёкут ал-Ҳамавий талқинида. – Урганч: Урганч давлат университети, 2006.